

2010-6-сон

Жиноят оқибатида етказилган зарар қопланган деб барвақт хулосага келинганлиги сабабли апелляция инстанция судининг ажрими бекор қилинди.

Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти судининг 2009 йил 9 ноябрдаги ҳукмига кўра Ю. Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми «а» банди, 209-моддаси 2-қисми «а» банди, 205-моддаси 2-қисми «а» банди, 184-моддаси 3-қисми, 210-моддаси 3-қисми «а» банди билан айбли деб топилиб, Жиноят кодексининг 45,59-моддалари тартибида узил-кесил 3 йил муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда 14 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига;

С. Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми «а» банди, 209-моддасининг 1-қисми билан айбли деб топилиб, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида 2 йил муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда 6 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига;

М. Жиноят кодексининг 205-моддаси 2-қисми «а» банди, 209-моддаси 1-қисми, 184-моддаси 3-қисми айбли деб топилиб, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида 1 йил муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари ва энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз эллик баравари — 9.814.000 сўм жарима жазосига судланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Ю. 2008 йил 22 сентябрдан «Жейнов пахта тозалаш» ОХЖ раиси вазифасида ишлаб келиб, жамиятнинг уруғлик чигит товаршуноси Э. билан 240,4 тонна ҳар хил навдаги уруғлик чигитларни сотиб, қалбаки юк-транспорт накладнойларни тузишиб, жамиятнинг бухгалтерия бўлимига тақдим этишиб, жамиятнинг 287.456.800 сўмлик жуда кўп миқдордаги мулкани ўзлаштириб, давлат ва жамоат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказган.

Бундан ташқари Ю. жамиятга қарашли «С.Муродов» номли пахта қабул қилиш масканининг 2-зона товаршуноси А. билан жиноий тил бириктириб, жамиятнинг жами 123.920.000 сўмлик жуда кўп миқдордаги мулкани ўзлаштириб, давлат ва жамоат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказган.

Шунингдек, Ю. «Жейнов пахта тозалаш» жамиятининг техник назоратчиси Ф., «ХЭТ Сервис» хусусий қурилиш корхонаси раҳбари Э., бош муҳандиси Х., ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Т., иш юритувчиси О.лар билан ўзаро жиноий тил бириктириб, бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномаси (Форма-5)га била туриб сохта маълумот ва ёзувлар киритишиб, жамиятнинг 45.893.866 сўмлик жуда кўп миқдордаги мулкани ўзлаштириб, давлат ва жамоат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказган.

Ю. М. билан ўзаро жиноий тил бириктириб, 2008 йил учун давлат солиқ инспекциясига кечиктириб ҳисобот топширишлари оқибатида кечиктирилган кунларга 7.301.000 сўм устама жарима (пеня) ҳисобланишига йўл қўйганлиги натижасида давлат ва жамоат манфаатларига 10.167.800 сўмлик жуда кўп миқдорда зарар ҳамда жиддий зиён етказган.

Ю. жиноий ҳаракатини давом эттириб, жамият бош ҳисобчиси Ж. билан жамиятнинг дебитор қарздорлиги келиб чиқишига сабабчи бўлиб, ундириш чораларини кўрмаганлиги натижасида 12.171.100 сўмлик дебитор қарздорликнинг муддати ўтиб кетишига сабабчи бўлганлар.

Ю. Ж. лар жамиятнинг иш ҳақи ва бошқа тўловлардан 178.851.500 сўмлигининг муддати ўтиб кетиши оқибатида жамият акционерлари, ишчи ва хизматчиларининг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ҳамда давлат ва жамоат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказган.

Ю. Э.нинг жавобгарлигидаги уруғлик чигитдан 287.456.800 сўмлигини соттириб, сотувдан тушган пул маблағларини тамагирлик йўли билан ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб, бажариш эвазига шахсан ўзи 2008 йил ноябрь ойида 5.000 АҚШ, 2008 йил декабрь ойида 15.000 АҚШ долларини қонунга хилоф равишда олган.

Ю.А.нинг моддий жавобгарлигидаги 7266,2 тонна 3.348.219.400 сўмлик пахта хомашёсидан 123.915.000 сўмлигини номаълум шахсларга сотиб, сотувдан тушган пул маблағларини тамагирлик йўли билан пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб, бажариш эвазига шахсан ўзи «пахта ишлаб чиқариш пайтида сенга ўзим ёрдам қиламан» деб, 2008 йил ноябрь ойининг ўрталарида 9.000 АҚШ долларини пора тариқасида олган.

Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти суди апелляция инстанциясининг 2010 йил 19 февралдаги ажрими билан шу суднинг ҳукми ўзгартирилиб, Ю.ни Жиноят кодексининг 210-моддаси 3-қисми «а» банди, 184-моддасининг 3-қисми, 209-моддасининг 1-қисми билан айбли деб топиш қисми бекор қилиниб, ишнинг шу қисми тугатилган, 45.893.866 сўмлик мулк талон-торож қилишга суиқасд қилинганлиги ҳақидаги эпизоди бўйича Ю.нинг ҳаракати Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми «а» бандидан Жиноят кодексининг 25,167-моддаси 3-қисми «а» бандига қайта квалификация қилиниб, унга Жиноят кодексининг 25,167-моддаси 3-қисми «а» банди, 209-моддаси 2-қисми «а» банди, 205-моддаси 2-қисми «а» банди мажмуи билан Жиноят кодексининг 57,59-моддаси тартибида 3 йил муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, унинг қамоқда бўлган кунлари чегирилиб, ўташ учун узил-кесил 1 йил 2 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилиб, эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, Ю. суд залида қамоқдан озод қилинган.

Хукмнинг Ю.дан пора предмети 29.000 АҚШ долларининг қиймати 40.127.300 сўмни давлат фойдасига ундириш қисми бекор қилинган.

Э.га Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми «а» банди, 209-моддаси 1-қисми билан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазолари Жиноят кодексининг 57-моддасига асосан ўзгартирилиб, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида 2 йил муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, унинг қамоқда бўлган вақти чегирилиб, ўташ учун узил-кесил 10 ой 12 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилиб, эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, Э. суд залида қамоқдан озод қилинган.

М.ни Жиноят кодексининг 184-моддаси 3-қисми, 209-моддаси 1-қисми билан айбли деб топиш қисми бекор қилиниб, ишнинг шу қисми тугатилган, М. Жиноят кодексининг 205-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жазодан Жиноят кодексининг 70-моддасига асосан озод қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 482-моддасида, апелляция инстанцияси суди шикоят (протест)да баён этилган важлар билангина чегараланмасдан, суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини тўла ҳажмда текширишга мажбур эканлиги назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги **«Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида»**ги қарорининг 19-бандида апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция суди томонидан ишнинг ҳақиқий ҳолатлари қанчалик тўғри аниқланганлигини, моддий ва процессуал қонун нормалари қанчалик тўғри қўлланилганлигини текшириши шартлиги белгиланган.

Бироқ апелляция инстанцияси суди иш бўйича қонун талабига ҳамда Олий суд Пленуми қарорининг тушунтиришларига риоя этмаган.

Иш материалларидан кўринишича, Ю. Э.нинг ўз вазифасида қолиш ва иш фаолиятини давом эттириш учун тамагирлик йўли билан 20.000 АҚШ долларини беришини, А.га пахтани ишлаб чиқаришда ёрдам беришини айтиб 9.000 АҚШ долларини тамагирлик йўли билан талаб қилиб олган.

Судланган Э. дастлабки тергов ва судда, жамият раиси Ю. 20.000 АҚШ долларни берганлиги, Ю. ноқонуний чиқиб кетган 190 тонна чигит маҳсулотларининг чиқим ҳужжатларини тайёрлаб беришини ваъда қилиб, лекин ҳужжатларни расмийлаштириб бермаганлигини, шу сабабли жавобгарлигида камомад келиб чиққанлиги ҳақида кўрсатма берган.

Судланган А. дастлабки терговда, Ю.га жамиятнинг меҳмонхонасига 9.000 АҚШ долларини мажбур бўлганидан берганлигини ҳақида кўрсатма берган.

Гувоҳ Э. дастлабки тергов ва судда, 2008 йил ноябрь-декабрь ойларида акаси Э. онасига бошлиқ сўраяпти, 5.000 АҚШ доллари беришим керак деганлиги учун ўзи Россиядан ишлаб келган 5.000 АҚШ долларини онаси ундан олиб акасига берганлиги, акаси ушбу пулларни жамият раиси Ю. олиб бориб берганлигини, акаси 2008 йил декабрь ойида Қамаш қишлоғида жойлашган чойхона олдида Ю. 15.000 АҚШ доллари берганлигини эшитганлиги ҳақида кўрсатма берган.

Бироқ апелляция инстанцияси ушбу кўрсатмаларни эътиборга олмасдан, иш бўйича барча ҳолатларни синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона аниқламаган, дастлабки тергов ва судда кўрсатма берган гувоҳлар кўрсатмаларини ўзгартирилиши сабабларини атрофлича текширмаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги «**Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида**»ги қарорининг 3-бандига кўра, мансабдор шахснинг ўз қўли ёки назорати остидаги шахслардан уларни хизмат юзасидан ҳимоялаш ёки қўллаб туриш,

ваколати доирасига кирувчи масалаларни ушбу манфаатларини кўзлаган ҳолда ҳал қилганлиги учун улардан пул маблағлари ёки бошқача бойликлар олишини пора олиш деб баҳолаш лозимлиги;

4-бандида пора бериш ва олиш учун жавобгарлик ўзганинг мулкани талон-торож, мансаб сохтакорлиги, ҳужжатларни сохталаштириш ва шу каби бошқа жиноятлар билан бир вақтда жиноятлар мажмуи учун жинойи жавобгарликка тортишни мустасно қилмаслиги кўрсатилган.

Суд Пленум қарорининг ушбу тушунтиришларига риоя қилмаган.

Иш материалларидан кўринишича, Ю. Э.ни вазифасидан озод қилмаслик эвазига тамагирлик йўли билан 20.000 АҚШ долларини, жамиятга қарашли «С.Муродов» пахта қабул қилиш маскани 2-зона товаршуноси А.га шахсан ўзи пахта ишлаб чиқариш пайтида ёрдам бериб туриши эвазига тамагирлик йўли билан 9.000 АҚШ долларини пора тариқасида олган.

Дастлабки тергов ва судда ўтказилган юзлаштиришларда Э.ни Ю. тамагирлик йўли билан уни ўз вазифасида қолиш ва иш фаолиятини давом эттириши учун жами 20.000 АҚШ долларини пора тариқасида талаб қилганлигини ва 20.000 АҚШ долларини олганлигини тасдиқлаган.

Бироқ апелляция инстанцияси ушбу юзлаштиришларга баҳо бермасдан, Ю. Э. ўз вазифасида қолиши ва иш фаолиятини давом эттириши, А.га пахтани ишлаб чиқаришда ёрдам бериши эвазига пора талаб қилганлигини эътиборга олмаган.

Бундан ташқари апелляция инстанцияси жиноят иши юзасидан аниқланган моддий зарарнинг асосий қисми дастлабки тергов ва суд давомида Ю., А., Э. ва уларнинг қариндошлари томонидан эҳтиёт қисмлар шаклида топширилганлигини ҳисобга олиб, иш бўйича моддий зарар тўлик қопланганлиги ҳақида барвақт хулосага келган.

Суд-товаршунослик экспертизаси хулосасида, ушбу эҳтиёт қисмлар катта ҳажмли ишлаб чиқарувчи корхоналарда фойдаланишга мўлжалланганлиги, уларни кўпчилиги муқаддам ишлатилганлиги, ишлатишга «яроқли» деган тўхтамга келинган бўлса-да, апелляция инстанцияси жиноят ишига қўшилган ушбу эҳтиёт қисмлар акс эттирилган фотосуратлардан уларни яроқлилигига шубҳа туғдириши, қабул қилинган эҳтиёт қисмларини барчасини қаердан олинганлиги (манбаи), эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқарилган корхонани номи ва бошқа маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатлари, сифат сертификатлари мавжуд эмаслиги ҳолатларига баҳо бермаган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати 2010 йил 30 сентябрдаги ажрими билан Ю.,Э., М. га нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти суди апелляция инстанциясининг 2010 йил 19 февралдаги ажрими бекор қилиниб, янгидан апелляция инстанция судида кўриш учун юборилди, Ю.С.ларга нисбатан эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, улар суд залидан қамоққа олинди.

Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти суди апелляция инстанциясининг 2010 йил 2 ноябрдаги ажрими билан Ю.С.М.ларга нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти судининг 2009 йил 9 ноябрдаги ҳукми ўзгаришсиз қолдирилди.

Назорат иши ЖСХ-133-10